



**НАЗАРОВА АФЗУНА**

Таянч докторант, ТДШУ

## Спужмай Зарёб ҳикояларида сюжет ва гоявий мазмун уйғунлиги масаласи

**Crossref doi: <https://doi.org/10.37547/os/vol-01issue-03-06>**

**Аннотация.** Мазкур мақола таниқли афғон ёзувчиси Спужмай Зарёб ижодига мансуб ҳикояларни ўрганишга багишланган бўлиб, унинг “Хуснхат муалими” ва “Мустақиллик қўшиги” номли ҳикояларида сюжет қуриши услубини очиб берши ҳамда гоявий мазмунини тадқиқ қилишига қаратилган. Мавзуни ёритишида анализ-синтез, чоғиштирма-қиёсий, тарихийлик методларидан фойдаланилди. 20-аср афғон адабиётидаги насрнинг инъикоси ҳақида Спужмай Зарёб ижоди, хусусан, унинг ушибу икки мақоласи таҳлили орқали маълумотга эга бўлиши мумкин. Ҳикоялардаги ёзувчининг сюжет яратишни услуби, ҳикоя гоясини очиб бершида сюжетни ташкил қўлувчи воқеаларнинг бир-бири билан боғланиши йўллари, воқеалар занжирининг ўсиб борши босқичлари тадқиқ этилади. Ёзувчи ҳикояларда инсон руҳиятини очиб бершида психологияк конфликтдан фойдаланган бўлса, жамият ва инсон ўртасидаги муносабатларни кўрсатиб бершида характерлараро конфликтлардан фойдаланган. Шу орқали афғон жамияти, оддий афғон оиласидаги муносабатларни, турмуши тарзини очиқлаган. Ёзувчининг ҳикояларида конфликтлар билан бир қаторда портретлардан, тасвирий ифодалардан ҳам моҳирона фойдаланилган бўлиб, булар ҳикоя гоясини теранроқ очиб бершига хизмат қилган. Шунингдек Спужмай Зарёбнинг ушибу ҳикоялари хотиралар асосида курилган бўлиб, унда туши ва ҳаёлий тасвиirlар ҳам ўрин олган. Мақолада ёзилиши даврига кўра узоқ бўлмаган ушибу икки ҳикоя қиёсан таҳтил этилиб, сюжет курилиши билан бир қаторда ҳикояларнинг гёйвий мазмунидаги ўҳшаш ва фарқли томонлари ёритиб берилган. Гоявий жиҳатдан ҳикоялардан бирида инсонпарварлик улугланган бўлса, иккинчисида ватанга муҳаббат, уни улууглаши тарзиб этилган. Таҳтил асосида ушибу гёйвий мазмуннинг ҳикоя сюжети билан қанчалик уйғунликка эгалиги очиб берилган. Бундан ташқари ёзувчи ушибу ҳикоялари орқали дарийзабон адабиётда модернистик оқимнинг ифода услубини қўллаган ҳолда янги давр дарийзабон адабиётига муносиб ҳисса қўйганига ҳам гувоҳ бўламиз.

**Таянч сўз ва иборалар:** Спужмай Зарёб, сюжет, “Хуснхат муалими”, “Мустақиллик қўшиги”, ровий, хотира ҳикоя, конфликт, портрет, инсонпарварлик, ватанпарварлик.

**Аннотация.** Статья посвящена изучению рассказов известного афганского писателя Спуджмая Зарёба, раскрытию методики построения сюжета и изучению идейного содержания его рассказов «Наши учитель каллиграфии» и «Песня независимости». При освещении темы использовались анализ-синтез, сравнительно-сравнительный, исторический методы. Об отражении прозы в афганской литературе XX века можно узнать из анализа творчества Спуджмая Заряба, в частности, двух его статей. Исследуется авторский стиль повествования в рассказах, способы, которыми события, составляющие сюжет, соотносятся друг с другом в раскрытии идеи рассказа, и этапы развития сюжетной цепочки. В то время как автор использовал психологический конфликт, чтобы раскрыть человеческую психику в рассказах, он использовал межличностные конфликты, чтобы показать отношения между обществом и человеком. Таким образом афганское общество раскрыло отношения и образ жизни обычных афганских семей. Помимо коллизий, в рассказах автора умело использованы портреты и образные выражения, которые позволили глубже раскрыть идею рассказа. Эти рассказы Спуджмая Зарёба также основаны на воспоминаниях и включают сны и фантастические образы. В статье дается сравнительный анализ этих двух рассказов, которые не так велики, как на момент написания, и подчеркиваются сходства и различия в идеологическом содержании рассказов, а также в структуре сюжета. Идеологически одна из историй прославляет человечество, а другая пропагандирует любовь к Родине и ее прославление. Анализ выявляет актуальность этого идейного содержания для сюжета рассказа. Из этих историй мы также можем видеть, что автор внес достойный вклад в литературу на языке дари новой эпохи, используя модернистский стиль выражения в литературе на языке дари.

**Опорные слова и выражения:** Спуджмай Заряб, сюжет, «Наши учитель каллиграфии», «Песня независимости», рассказчик, воспоминание, конфликт, портрет, человечность, патриотизм.

**Abstract.** The article is devoted to the study of the stories of the famous Afghan writer Spujmay Zaryob, the disclosure of the plot construction technique and the study of the ideological content of his stories "Our Calligraphy Teacher" and "Song of Independence". When covering the topic, analysis-synthesis, comparative-comparative, historical methods were used. You can learn about the reflection of prose in Afghan literature of the twentieth century from the analysis of the work of Spujmay Zaryab, in particular, two of his articles. The



*author examines the author's style of storytelling, the ways in which the events that make up the plot relate to each other in revealing the idea of the story, and the stages of the development of the plot chain. While the author used psychological conflict to reveal the human psyche in stories, he used interpersonal conflicts to show the relationship between society and the individual. In this way, Afghan society revealed the attitudes and lifestyles of ordinary Afghan families. In addition to collisions, in the author's stories, portraits and figurative expressions are skillfully used, which allowed deeper to reveal the idea of the story. These tales of Spuzhmaya Zaryob are also based on flashbacks and include dreams and fantasy imagery. The article provides a comparative analysis of these two stories, which are not as long as at the time of writing, and highlights the similarities and differences in the ideological content of the stories, as well as in the structure of the plot. Ideologically, one of the stories glorifies humanity, while the other promotes love for the Motherland and its glorification. The analysis reveals the relevance of this ideological content for the plot of the story. From these stories, we can also see that the author made a worthy contribution to Dari literature of the new era, using the modernist style of expression in Dari literature.*

**Keywords and expressions:** Spudjmay Zaryab, plot, “Our teacher of calligraphy”, “Song of Independence”, narrator, recollection, conflict, portrait, humanity, patriotism.

**Кириш.** Афғонистоннинг таниқли қаламкаши, замонавий наср намоёндаларидан бири Спужмай Зарёб (Рауф) 1949-йил Афғонистоннинг Кобул шаҳрида дунёга келган. Адабиётга бўлган қизиқиши ортидан эрта ёшдан ҳикоялар ёзишни бошлаган Спужмай Зарёб, кейинчалик ҳикояларида ўзига хос услуг ва бадииятга эга бўлган характерни мужассамлаштирган, шу билан бирга дарийзабон адабиётга модернизм, символизмни киригтан илк ёзувчилардан бўлди.

Адабанинг ижодига қизиқиши ва изланиш Ўзбекистон миқёсида, афғоншунос олим – филология фанлари доктори, профессор Р.Иномхўжаевнинг ”Афғонистон дарийзабон адабиёти II”<sup>1</sup> номли монографиясида бир қатор ҳикоялари таҳлили билан ёритиб ўтилган. Хусусан, Спужмай Зарёбнинг бугун биз таҳлилга тортган “Хусниҳат муаллимимиз” ҳикоясини Р.Иномхўжаев бирмунча тадқиқ қилган, биз бу таҳлилни кенгроқ тадқиқ этишга ҳаракат қилдик. Аммо “Мустақиллик қўшиғи” номли ҳикояси ҳали тадқиқ этилмаган манба ҳисобланади.

**Мақсад ва вазифа.** Замонавий афғон адабиётида ўзига хос услуг ва мазмунга эга бўлган Спужмай Зарёбнинг ”معلم مشق ما“ – ”Хусниҳат муаллимимиз“ ва ”ترانهء استقلال“ – ”Мустақиллик қўшиғи“ номли ҳикояларини таҳлил қилиш орқали ўша давр адабиётига назар солиш, ҳикояларининг сюжет ва ғоявий мазмунининг қанчалик уйғунлигини очиб бериш асосий мақсадимиз ҳисобланади. Ушбу мақсаддан келиб чиқкан ҳолда, ушбу тадқиқотимиз олдига қўйилган вазифалар қўйидагилардан иборат:

- Спужмай Зарёбнинг ”Хусниҳат муаллимимиз“ ҳикоясида сюжет қуриш услубини очиб бериш;
- Адабанинг ”Мустақиллик қўшиғи“ ҳикоясида сюжет қурилишини ўрганиш;
- Спужмай Зарёб ҳикояларида ўхшаш ва томонларини кўрсатиб бериш;
- Ҳикоялардаги ғоявий мазмун ифодаланишини аниқлаш.

**Усуллар.** Мазкур мақолани таҳлил қилишда илмий билишнинг тарихийлик, мантиқийлик методларига мурожаат қилинди, шу билан бирга эмпирик ва назарий тадқиқот методларидан, ҳамда ҷоғиштирма-қиёсий методидан кенг фойдаланилди. Тадқиқот жараёнида Спужмай Зарёб (Рауф)нинг ”Қобил саҳроси“ ҳикоялар тўпламидан олинган ”Мустақиллик қўшиғи“<sup>2</sup> ва ”Савр шабадалари“ тўпламидан олинган ”Хусниҳат муаллимимиз“<sup>3</sup> номли ҳикояси методологик манба бўлиб белгиланди.

<sup>1</sup> Р.Иномхўжаев. Афғонистон дарийзабон адабиёти II. Т.: Шарқ, 2018. – 205-2166

<sup>2</sup> سپوئیمی زریاب. دشت قابل. ایران، ۱۳۶۷ - ۵۶ ص.

<sup>3</sup> Савр шабадалари. Афғонистон ёзувчиларининг ҳикоялари. Т.:Faafur Fulom, 1987. – 115-124 бетлар. Ушбу ҳикоя 1988-йил Москвада ҳам тўплам таркибида “Наш учитель каллиграфии”дарий тилидан рус тилига таржима қилиниб чоп этилган. Караван в горах. Рассказы афганских писателей. Москва. Художественная литература, 1988.





**Натижалар ва муроҳаза.** Спужмай Зарёб Франсияда адабиётшунослик соҳасида ўқиб юрган кезларида гарб, ҳамда Америка адабиёти билан ошно бўлди ва кейинчалик бу ошнолик излари унинг асарларида акс этди. Хусусан, дастлаб ғарбда пайдо бўлган модернизмнинг дарий ҳикоянавислигида ҳам акс этиши, дарий адабиётшунослигида мумтоз адабиётдан фарқли ўлароқ, мазмун ва гояни теранроқ очиб бериши, кенг қамровлилик, инсон омилининг устунлиги ва ҳис-туйғуларни очиқ ифодаланиши билан оммани жалб қила олди.

Форс адабиёти бўйича француз мутахассиси Майкл Барри Спужмайнинг "Бизни тинглайдиган деворлар" китоби посткриптида "Исми "тўлин ой "деган маънони англатувчи Спужмай, икки шоир – сургунда вафот этган Халилий ва ўлдирилган Мажруҳ билан бир қатордаги бизнинг давримизнинг энг буюк афғон ёзувчиларидан биридир" – деб ёзади<sup>1</sup>. (Шу ўринда, ўрганишлар натижасида айтиб ўтиш жоизки, Устоз Халилий сургунда вафот этмаган, балки 70-йиллар охирида мамлакатдаги сиёсий тузум унинг эътиқодига тўгри келмай ўзи мамлакатини тарқ этади ва дастлаб Германияга, сўнг АҚШга ва 80-йиллар бошида Пешовар (Покистон)га бориб, ўша ерда умрининг сўнгтигача умргузаронлик килиб, 1987-йил 5-майдага вафот этади.<sup>2</sup>) Дарҳақиқат, ёзувчининг илк ижод намуналарида мулкий тенгсизлик, оддий афғон оиласарининг турмуш тарзи, жамиятдаги аёлларнинг ўрни каби масалалар қаламга олинган бўлса, кейинги йилларда ёзилган асарларида тинчлик соғинчи, осуда ҳаёт ва ватанпарварлик гоялари уфуриб туради. Шу орқали адiba афғон миллати кўзгуси орқали бутун дунёда мавжуд бўлган муаммолар ва баширият орзу-истаклали, ғам-андухларини кўтариб чиқкан.

Спужмай Зарёбнинг бир қатор ҳикояларида ровий сифатида бола образидан фойдаланади ёхуд болалик хотиралари қаламга олинади. Хусусан, биз таҳлилга тортган "معلم مشق ما" – "Хусниҳат муаллимимиз" ва "ترانهء استقلال" – "Мустақиллик қўшифи" номли ҳикоялари ҳам ёзувчининг ўзига хос услугига кўра бола тилидан ҳикоя қилинган. Эҳтимол, бола қалби беғуборлиги-ю шу қалб билан унга етказилган ранж-у аламлар, шодлиг-у кўрқинчлар, орзулар камалагининг таъсир бўёқдорлигини яққол сезиш мумкинлиги учун ҳам шу услубни маъқул топгандир, нима бўлганда ҳам бу танлов ўзини тўла-тўқис оқлаган ҳолда ёзувчини мақсадига етказган.

"Хусниҳат муаллимимиз" ҳикояси ҳаётий сужет асосида қурилган, ҳикоя қаҳрамонининг болалик хотиралари, хусусан, хусниҳат ўқитувчиси ҳақидаги хотиралари билан бўлишади. Шу аснода эътироф этишимиз жоизки, Спужмай Зарёбнинг ҳикоячиликдаги ўзига хос томонларидан бири ҳикоя сюжетида хотира ҳикояларининг ёхуд ҳикояда туш тасвирларининг мавжудлигидир. Унинг бир нечта ҳикояларида ("Мустақиллик қўшифи", "Қобил сахроси", ) келтиргани каби ушбу – "Хусниҳат муаллимимиз" ҳикояси сюжетида ҳам хотираларга жой ажратган. Ҳикоя хусниҳат муаллими портретини тасвирлаш билан бошланар экан, қизалоқ наздида, муаллим гарчи кўримсиз, "шилпиқ кўзли"<sup>3</sup> бўлса-да, дунёдаги энг гўзал эркак бўлиб намоён бўлади. Қизалоқ буни шундай изоҳлайди:

"Хусниҳат ўқитувчимизни нега жуда яхши кўришишимизни ҳеч биримиз билмасдик. Балки бунинг сабаби хусниҳат ўқитувчимиз бизнинг баланд девор билан ўралган, ҳовлиси кенг мактабимизга киришига ҳақли бўлган ягона эркак бўлганидандир; балки ҳусниҳат ўқитувчимиз эркакларнинг сирли дунёсига очилган бирдан-бир дарча бўлгани учундир?..."<sup>4</sup>

Спужмай Зарёбнинг 1985-йилда мамлакатда ғалаёнлар авж олган бир даврда ёзилган "معلم مشق ما" – "Мустақиллик қўшифи" ҳикоясидаги юқорида келтирилган ҳикоя билан ўхшашлик томонларидан бири шундаки, бу ҳикоя ҳам ҳаётий сюжет асосида қурилган, ровий – бола, бу ҳикояда ҳам ровий ўқувчини ўз хотиралари билан таништиради.

<sup>1</sup> The UNESCO Courier, New York, 2001, march. - 48р

<sup>2</sup> Суфиё Джаннатмир. Социальная тематика поэзии Халилуллаха Халили. Автореф. дис. ... кан. филол. наук. – Душанбе, 2018. – 11 с.

<sup>3</sup> Савр шабадалари. Афғонистон ёзувчиларининг ҳикоялари. Т.:Faafur Fулом, 1987. – 1166

<sup>4</sup> Савр шабадалари. Афғонистон ёзувчиларининг ҳикоялари. Т.:Faafur Fулом, 1987. – 116-б





“Хуснихат муаллимимиз” ҳикоясидан фарқли равища ушбу ҳикоя экспозитсия билан бошланади. Ровий ҳикоядаги воқеалар қачон ва қай тарзда бошланганини шундай баён қиласы: *وآخر سال تعليمى بود. شايد هم ماه های عقرب یا قوس. درست به خاطرندارم. صنف اول بودم. شیشه های در و پنجره های صنف ما شکسته بود و باد از لای شیشه های شکسته به صنف ما هجوم می آورد و موهای شانه شده و شانه نشده ما را مورد تهاجمش قرار میداد.*

(*Ўқув иилининг охири эди. Эҳтимол, Ақраб ёки Қавс ойлари. Аниқ эсимда йўқ. Биринчи синф эдим. Синфимизнинг дераза ва эшик ойналари синган эди, шамол синган ойналар орқали бизнинг синфимизга кириб, таралган ва таралмаган соchlаримизга ҳужсум қиласиди.*)

Сўнг, ҳикоянинг тугун қисми бошланади. Унга кўра ҳикоя сюжети экспозициясида баён қилинган ўша йили деярли барча синфдошлари қаторида ўзининг ҳам имтиҳондан йиқилгани хабарини тугун қисмida воқеа нимадан бошланганини очиқлайди. Ҳикоя тугунида меҳнат ўқитувчisi ўқувчиларга имтиҳон куни бирор ҳунармандчilik буюмини ясад келишларини айтади. Ҳикоя сюжетининг воқеалар ривожида боланинг онаси ўқитувчисининг топшириғини бажариш учун болага қоғоздан қудук ва чеълак ясад беришини айтади. Шунда боланинг ёдига қудук билан боғлик нохуш хотиралари тушади.

Ҳар икки ҳикоя ҳам концентрик сюжет асосида қурилган. Ҳикоялар сюжетидаги воқеалар сабаб-оқибат қонунияти асосида бир-бири билан чамбарчас боғлик ҳолда ҳаракатга келтирилган. Хусусан, “Хуснихат муаллимимиз” ҳикоясида ровий ҳуснихат муаллимини нон дўконида кўриб қолиб у ҳақидаги хотиралари ёдига тушса, “Мустақиллик қўшиғи” ҳикоясида меҳнат ўқитувчисининг имтиҳон вазифасини бажариш асносида қудук билан боғлик хотиралари ёдига тушади.

“Хуснихат муаллимимиз” ҳикоясида воқеалар ривожи ва кулминацияси бир неча ўринларда алмашиниб келади. Қизчанинг тасавурида ҳуснихат муаллимнинг ягона гўзал эркак бўлиб намоён бўлганидан, бувиси энг гўзал эркак ҳакида эртак айтиб берадиганда дилида ва тилида ўша муаллим гавдаланаверади. Бунга жавобан бувиси “*аёллар ёиланиб турадиган шилтиқ кўзларга ошиқ бўлармиди?*”<sup>1</sup> – деб истехзо билан гапиради ва ўз тасавуридаги гўзал эркак сиймосини тасвирлашда давом этади. Юқорида келтирилган тасвир ҳикоя сюжетида воқеалар ривожи бўлиб хизмат қилиб, сўнг ўз ўрнини ҳикоя авжига бўшатиб беради: Буни эшитган бобоси бувисини боплаб сўкиб беради. Шу ўринда Спужмай Зарёб ҳикояга бобо образини киритиши билан “анъянавий оиласидар муаммосига имо қилиб ўтганини сезиш мумкин.”<sup>2</sup> Шу билан бирга ёзувчи ровий тасвирлаган обект орқали кампир образи мисолида умри давомида севмаган инсони билан бирга яшашга мажбур дунё аёллари ҳасратини ва бобо образи талқинида “аёлинни ўз тасавурида эрига кўра чиройли санаган эркакка нисбатан рашқ қилган эркак муаммоси”<sup>3</sup>ни кўрсатиб берган. Ҳикоянинг кейинги воқеалар ривожи ровийнинг муаллими тўғрисидаги болалик хотираларини эслashi билан давом этади. “Ҳикоя ичида ҳикоя” усулида ёзилган бу ҳикоялардаги туш тасвири ёки хотираларни ёдга олиши ҳикоялар сюжетида аҳамиятли ўринни эгаллаган. Масалан, “Хуснихат муаллимимиз” ҳикоясида келтирилган туш тасвири ҳикоя сюжетида иккинчи авжи бўлади, шунингдек ҳикояда ровийнинг қалбидаги чуқур из қолдирган инсоннинг йиллар ўтса-да қайсиdir жиҳатлари билан ҳаётида мавжудлиги инъикоси бўлиб хизмат қилган. Ҳикоя авжи ва воқеалар ривожининг алмашиниб келиши ҳикоя мазмунининг турли жабхаларини очиб беришда катта хисса қўшган. Қайси бир ўринда оилавий муносабатларни очиб берган бўлса, бошқасида инсон психологияси, шахсияти ҳақидаги сезимларни пайқаш мумкин.

“Мустақиллик қўшиғи” ҳикояси “Хуснихат муаллимимиз” ҳикоясидан фарқли, сюжет босқичлари такрорланмайди. Ҳикояда келтирилган ровийнинг онаси ясад берган “кудуқ ва чеълак” билан боғлик ғамгин ҳикоясини эслashi эса ҳикоянинг воқеалар ривожи қисми бўлиб, ровий уларнинг ҳовлисидағи ўша кудуғи, отасининг қудукни тозалатиш учун олиб келган ишчилардан бирининг қудуққа тушиб кетиши, уни қудукдан олиб чиққандаги

<sup>1</sup> Савр шабадалари. Афғонистон ёзувчиларининг ҳикоялари. Т.: Фафур Ғулом, 1987. – 117-б

<sup>2</sup> Р.Иномхўжаев. Афғонистон дарийзабон адабиёти П. Т.: Шарқ, 2018. – 2096

<sup>3</sup> Р.Иномхўжаев. Афғонистон дарийзабон адабиёти П. Т.: Шарқ, 2018. – 2096



тасвир ваҳималари бола онгиди чуқур из қолдиради ва шундан кейин бола қудук деганда доимо ўша қудук ва унга тушиб кетган, олиб чиқилганда лой билан бурканган “ажабтовор ва қўрқинчли”<sup>1</sup> нарсага ўхшаб кўринган ишчилардан бири кўз олдида гавдаланаверади.

Ҳикоя авжи ҳикоянинг имтиҳон куни баён қилинган саҳнасида юз беради. Унга кўра ўқитувчи ва бола ўртасида характерлараро конфликт юзага келиб, боланинг онаси ясад берган, бола шуурида ғамгин хотира бўлиб қолган “қудук ва чекак” меҳнат ўқитувчиси томонидан “кйшиқ” ясалган, “мияларинг қотиб қолган”<sup>2</sup> – деб таҳкирланади. Ваҳоланки она - бола учун ушбу қўл меҳнати йиллар давомида уйининг тўридаги токчадан жой олган нафис санъат намунаси бўлиб қолади.

Ик бар Мعلم رسم و کاردستی ما با آواز زیری فریاد زد:

- این چیست؟

با آوازی که انگار از قعر چاه می برآمد گفت:

- چاه و دلوش.

معلم رسم و کاردستی با تقلید از من گفت:

- چاه و دلوش! تا بگویی کاردستی، همه تان میدوید و چاه می سازید و دلوش.... مغزهای تان سنگ شده است.

چهار طرف را دیدم، مادرم را می پالیدم. می خواستم خودم را در اخووش پنهان کنم. مادرم آنچا نبود.

گریه آلد گفت:

- سبزه هم دارد.

باز فریاد زد:

- سبزه هایش را چی کنم. در سبزه هایش خودت بچر تا سیر شوی. این چاه هم کج است. می بینی یا نی؟

به عمق دشنامش پی نبردم. به چاه خیره شدم اما هیچ کجای آن به نظرم کج نیامد همان طور سپید دل انگیز بود.

معلم رسم و کاردستی آن را از دستم قاپید و به کنج صنف پرتاب کرد. شاید هم برای تبریه خود گریه آلد گفت:

- مادرم ساخته!

- مادرت بد کرده!

ضربه اش کاری بود. اشک در چشممانم خانه کرد.

(Яна бир бор расм ва меҳнат ўқитувчимиз бор овози билан бақирди:

- Бу нима?

Қудук тубидан келаётган овозга ўхшиаш овоз билан гапирдим:

- Қудук ва чекак

Расм ва меҳнат ўқитувчимиз менинг овозимга тақлидан деди:

- Қудук ва чекак! Кўл санъати дейдиган бўлсангиз, ҳаммангиз боринглар, қудук ясанглар ва чекак... мияларингиз қотиб қолган.

Атрофимга қарадим, онамни қидирдим. Ўзимни қучогига яширишини хоҳлардим. Онам у ерда йўқ эди.

Йигламсираб дедим:

- Майсалар ҳам бор.

Яна бақирди:

- Майсаларингни нима қиласман. Майсаларингни ўзинг егин, қорнинг тўйсин. Бу қудук ҳам қийшиқ. Кўряпсанми ё ёқми? Унинг қўпол ҳақорати маъносини англаш етмадим. Қудукка тикилдим. Лекин ҳеч бир жойи қийшиқ кўринмади, менга оппоқ ва ёқимли кўринарди.

- Расм ва меҳнат ўқитувчимиз уни қўлимдан юлиб олди ва синф бурчагига иргитди.

Ўзимни оқлаш учунми йигламсираб дедим:

- Онам ясади!

- Онанг ёмон иши қилибти!

Унинг зарбаси ўз ишини қилди. Кўзларим ёшга тўлди.<sup>3)</sup>

“Бадиий асар сюжети воқеалардан, воқеалар эса персонажларнинг хатти-харакатлари, ўзаро мураккаб муносабатлари, зиддиятларидан таркиб топгани боис ҳам уни ҳаёт зиддиятларини

<sup>1</sup> Спөзмі Зріяб. Дешт قابیل. Қабіл. 1367ء (1988) ص 61

<sup>2</sup> Спөзмі Зріяб. دشت قابیل. Қابیل. 1367ء (1988) ص 67

<sup>3</sup> Спөзмі Зріяб. دشت قابیل. ایران، 1367ء۔ ص 67



умумлаштирувчи воқеалар тизими сифатида таърифланади. Сюжет билан конфликт орасида иккиёлгама алоқа кузатилади: бир томондан, сюжет конфликтларни умумлаштириб намоён қилади, иккинчи томондан, конфликт сюжетни ҳаракатга келтирувчи асосий куч саналади.”<sup>1</sup> Ҳикояларда сюжетни ҳаракатга келтиришда асосий куч бўлиб хизмат қилувчи – конфликтлар ҳам талайгина. Ушбу ҳикояларда ўқувчи характерларро ва психологик конфликтга рўбарў келади. Чунончи, “Хусниҳат муаллимимиз” ҳикоясида кампир эртак айтиб берадиганда ровий билан бўлган сухбатида давомида, сўнг кампир ва бобо ўртасида, ровий ва қўшниси ўртасида характерларро конфликт, ҳикоя сўнгидаги ровийнинг кечинмалари билан бўлган курашда психологик конфликт пайдо бўлади.

“Мустақиллик қўшиғи” ҳикоясида эса, меҳнат ўқитувчиси ва ўқувчилар ўртасида, ўқитувчи ва ровий ўртасида характерларро конфликт вужудга келса, онаси “қудук ва чепак” ясаб берадиганини билганидан сўнг ровийнинг руҳиятида юз берадиган воқеалар аносида психологик конфликт юзага чиқади.

Ҳар икки ҳикояда ҳам тасвиirlанган портретлар ҳикоя гоясини очиб беришга элтувчи йўллардан бири бўлиб хизмат қилади. Хусусан, “Хусниҳат муаллимимиз” ҳикояси аввалида келтирилган хусниҳат муаллимининг портрети ровийнинг гўзаллик тимсоли сифатида қизчани орзулар оламига элтган бўлса, йиллар ўтиб новвойхонада кўриб қолганида тасвиirlанган ўша хусниҳат муаллими аввалгисидан тубдан фарқ қилган ҳолда, ғарип, бечораҳол ахволда ровийнинг “умр – ўткинчи” лиги тўғрисидаги ғамгин кечинмаларига сабаб бўлади. “Мустақиллик қўшиғи” ҳикоясида меҳнат фани ўқитувчиси орқали эса ёзувчи бошқаларнинг ҳаётига бепарво, ўз ишига ҳам масъулиятсиз, лоқайд, инсон меҳнатини қадрламайдиган, бадфеъл аёл қиёфасини акслантиради. Ёзувчининг ушбу қаҳрамони “Хусниҳат муаллимимиз” ҳикоясидаги ровийнинг қўшниси образига ўхшашиб кетади. “Пакана, семиз, бошининг кўпроқ қисмида сочи йўқ”, “доим терлаб, иссиқдан нолиб юрувчи”, “Мустақиллик қўшиғи” ҳикоясидаги меҳнат фани ўқитувчисидан фарқли доим кулиб юрадиган бу қўшни образи орқали Спужмай ҳар бир хатти-харакатини тасвиirlashi билан ҳаётда шундай бепарво, бугуни билан яшайдиган, умрини олди-қочди нарсалар билан ўтказиб юборадиган лоқайд инсонлар борлиги ҳақидаги таассуфларини сўзлар ёрдамида чизиб беради.

Ёки биз юкорида келтирган “Хусниҳат муаллимимиз” ҳикоясидаги кампир образи портретида унинг “мунгли бир ҳасрат”<sup>2</sup> янглиғ нигоҳлари орқали “бутун дунёдаги барча аёлларнинг, ҳам тирикларининг, ҳам дунёга келадиган аёлларнинг ҳасрати ўша ҳорғин ва меҳрибон икки қўзда”<sup>3</sup> мужассам бўлганини тасвиirlаса, бу образга яқин бўлган “Мустақиллик қўшиғи” ҳикоясидаги ровийнинг онаси тимсолида оддий афғон аёли – яъни ўзини фақат оиласига бағишлилан, саводи ҳам йўқ бўлган, ҳаёти давомида фақатгина ўзининг онасидан ўрганганди “қудук ва чепак” нигина ясашни биладиган, аммо шу билан бирга эътиқоди кучли, меҳрибон ва оилапарвар аёлни тасвиirlайди.

Шу ўринда Спужмай Зарёбнинг ҳикояда халқнинг диний қарашларини ҳам қўрастиб ўтганини айтиш лозим. Афғонистон тарихи бўйича юксак натижаларга эришган Виктор Григориевич Коргун ўзининг “Афғонистон тарихи XX аср” номли китобида 1964-йилдаги Конституциянинг 7-моддасида “Кирол ислом дини асосларининг ҳимоячиси...”<sup>4</sup> – деб ёзилганини эътироф этган. Ушбу конституция 1973-йилги давлат тўнтариши натижасида амал қилиши тўхтатилиб<sup>5</sup>, 1977-йил янги конституция ишлаб чиқилган<sup>6</sup> ва бунинг оқибатида мамлакатда реформалар ўтказилиб, бора-бора мамлакатда ички вазият кескинлашган. Булар давлат томонидан ислом динига қарши атеистик сиёsat юритилиши, дин уламоларига нисбатан

<sup>1</sup> Д.Куронов. Адабиёт назарияси асослари. Т.: 2018. – 1766

<sup>2</sup> Савр шабадалари. Афғонистон ёзувчиларининг ҳикоялари. Т.:Faafur Fулом, 1987. – 1176

<sup>3</sup> Савр шабадалари. Афғонистон ёзувчиларининг ҳикоялари. Т.:Faafur Fулом, 1987. – 1176

<sup>4</sup> Коргун В.Г. История Афганистана XX век. Москва. 2004. – 329с

<sup>5</sup> Маннонов А.М., Абдуллаев Н.А., Рашидов Р.Р. Афғонистон тарихи (ўкув қўлланма). Т.:2018. – 2096

<sup>6</sup> Маннонов А.М., Абдуллаев Н.А., Рашидов Р.Р. Афғонистон тарихи (ўкув қўлланма). Т.:2018. – 2106



тазийк ва қатағонлар оқибатида дин уламолари халқни ҳукуматга қарши қайраб, оммавий нозорозиликлар ҳамда жиҳод эълон қилишига олиб келади<sup>1</sup>.

Спужмай Зарёб ушбу “Мустақиллик қўшиғи” ҳикоясида ўша даврдаги оддий халқ диний қарашларини тасвирлаган. Яъни ҳикоя ёзилган даврда (1985-йилда) гарчи, мамлакат конституцияси ва аҳолининг айрим қатлами орасида атеистик рух кезиб юрган бўлса-да, оддий халқ ҳамон ислом дини ақидаларига бўйсунган ҳолда, ўз эътиқодларидан кечишмаган. Биз буни ҳикояда қудукқа тушиб кетган эркакни юқорига олиб чиқишганда уни ўзига келиши учун ёнида туриб онасининг Куръони Каримни кўтарганча Оллоҳдан унга хайир беришини сўраб турганида, аёл билан бирга ровийнинг отаси ва бошқа ишчилар ҳам осмонга қараб қўл кўтариб, Оллоҳдан яхшилик тилаши эпизодида кўришимиз мумкин:

قرآن را باز کرده بلند گرفته بود انگار آن را به کسی در آسمان نشان دهد به سوی آسمان می دید و می گفت:  
- تو خودت خیر کن، الهی خیر .... الهی خیر....

*(Куронни очиб баланд кўтарган эди. Шу ҳолатда осмонда кимгадир кўрсатганга ўхшаб юқорига юзланиб айтарди:*

- Ўзинг хайир бер, илоҳи хайир... илоҳи хайир)

Бундай диний муносабат “Хусниҳат муаллимимиз” ҳикоясида ислом дини аҳкомларига кўра қизлар ва ўғил болаларнинг алоҳида ўқитилиши, шу сабабдан ҳам ровийнинг ҳусниҳат муаллими мактаб ҳовлисига кира оладиган ягона эркак инъикосида ўз ифодасини топган.

“Хусниҳат муаллимимиз” ҳикояси сюжетида ечим орқали Спужмай ўзи баён қилмоқчи бўлган мақсадини радио орқали собиқ ўқитувчининг ўлими хабарини эълон қилиши ва бу хабарни эшитган ровийнинг руҳиятида юз берувчи тушкин сезимлар, пушаймонлари, кўчада эса ҳаёт “бозор” каби ўтиб кетаётгани манзаралари билан изҳор қиласди. Ёзувчи “Хусниҳат муаллимимиз” ҳикоясида келтирилган қаҳрамонлар портрети, уларнинг ички кечинмалари, конфликтлар, ҳар бир детал орқали дунё бир бозор эканлиги, унда ҳар хил одамлар келиб кетишлиари, япроқлар бир куни ҳазон бўлиши, бугун бор бўлган киши эрта йўқлиги, умр дарё каби оқиб кетиши ҳақидаги афсусларини келтириб, муҳими инсонийликнинг сақланиб қолиши чорловига гувоҳ бўламиз. Адиба бу фикрларини ҳикоя сўнгиди шундан ифодалайди: “Нега инсон табиати шундай экан? Бир-биримизни тез унутиб қўймаяпмизми? Куни кеча ҳусниҳат муаллими бизга ҳаёт дарсларини ўтарди. Энди бўлса...”<sup>3</sup>

Спужмай Зарёбнинг “Мустақиллик қўшиғи” ҳикояси ечими “Ҳусниҳат муаллимимиз” ҳикояси билан фарқли жиҳатлари бор. Фарқлилиги шундаки, “Мустақиллик қўшиғи” ҳикоясида ёзувчи унинг мақсадидан келиб чиққан ғояни ҳикоя экспозициясидан токи ечимгача ошкор қилмайди. Ўқувчи ҳикояни ўқиётиб ўқитувчи ва ровий ўртасида келиб чиққан конфликт ва унгача элтувчи воқеалардан ҳикоя сўнгиди бошқа бир қиссадан ҳисса кутаётганини пайқамайди. Ёзувчи ҳикоя ғоясини унинг ечимида шундай очиқлайди:

Ровий имтиҳондан ўта олмайди, айнан меҳнат фанидан ўта олмаганини онасига айта олмайди (ахир она-бала ясаган “қудук ва белак” жуда чиройли чиққанига ва меҳнат фани имтиҳонидан ўтишига қаттиқ ишонган эдилар). Имтиҳондан ўта олмаганини эшитган онаси ҳайрат билан қайси фан деганда, ровий беихтиёр форс тили дейди, онаси яна-да ажабланади.

- هرروز که میخواندی...  
و با تقلید از من ادامه داد:

- گربه سوی خاک ما - دشمن نا پاک ما.... بی فایده آخرش هم ناکام شدی.

مадрим راست میگفت این ترانه را از وقتی برای مان درس داده بودند، همیشه بلند بلند میخواندم.  
و آن لذت میبردم. نامش «ترانه استقلال» بود و از آن بسیار خوش می آمد. نمیدانم که از آن به خاطر خود ترانه خوش می آمد یا به خاطر تصویر پسرک خوش قد و بالایی که با خوشحالی بیرق سه رنگ افغانستان را به دست گرفته بود و انگار سوی ما میدید و این ترانه را میخواند.

<sup>1</sup> Маннонов А.М., Абдуллаев Н.А., Рашидов Р.Р. Афғонистон тарихи (ўкув қўлланма). Т.:2018. – 2176

<sup>2</sup> سپوژمی زریاب. دشت فابیل. ایران، 1367. – 61 ص.

<sup>3</sup> Савр шабадалари. Афғонистон ёзувчиларининг ҳикоялари. Т.: Faafur Fulom, 1987. – 1246



(- Ҳар куни дарс қиласында ...

Ва менга тақлидан давом этди:

- Келса агар еримизга - бизнинг нопок душманимиз... Бефойда, охир-оқибат маглуб бўласан.

Онам тўғри айтди, бу қўшиқни бизга ўргатишганидан бери мен уни ҳар доим баланд овозда айтардим ва бундан ҳузурланардим. Унинг номи "Мустақиллик қўшиги" эди, ва у менга жуда ёқарди. Қўшиқнинг ўзи менга ёққаниданми ёки қўлида Афғонистоннинг уч рангли байрогини хурсанд тутган ва бизга қараб, шу қўшиқни куйлаган келишган баланд бўйли бола қиёфаси ёқдими, билмайман.)

Боланинг онаси бола ҳар куни шу қўшиқни барадла, тутилмай куйлаб юргани сабаб ўгли форс тилини мукаммал билади деб ўйларди, гўёки бутун форс тили шу қўшиқда мужассам. Бу қўшиқ форсча ватан ҳақидаги қўшиқ бўлиб, унда ватан мадҳи куйланарди, болаларни ватанпарварликка ундарди. Ўқувчилар бу қўшиқни доимо куйлаб юришади, шу сабабли ҳам ровий бу қўшиқни шундай изоҳлайди:

شاید هم آن زمان بی آنکه خود مان بدانیم عشق به وطن را تجربه میکردیم و پرستیدن آن را می آموختیم به خاطر  
همین این ترانه را حق و نا حق جا و بی جا می خواندیم.

(Балки ўша пайтда, билмаган ҳолда, биз Ватанга бўлган муҳаббатни боидан кечирганмиз ва унга сизинишини ўргандик, шунинг учун биз ушбу қўшиқни маврид-бемаврид куйларверардик.)

Спужмай Зарёб ҳикоянинг асосий ғоясини ечимда очиқларкан, ўқувчини ватанпарварликка, ватанни улуғлашга чорлайди. Нафақат қандайдир катта ишлар ёки ноёб меъморлик, санъат ишларини ясаш, катта ишларни амалга ошириш орқали балки, тўрт қатор шеър билан бўлса-да ватанни севишга ундейди.

**Хулоса.** Хулоса қилиб айтадиган бўлсақ, турли мавзулардаги бу икки ҳикояда адабанинг сюжет қуриш услубида ўхшашликлар анчагина кузатилади, аммо давр талаби, жамият муаммоларини юзага чиқариш орқасидан ғоявий мазмун ўзгариб боради.

Ҳикоялар мазмунини очиб беришда конфликтлардан унумли фойдаланилган. Юқорида таҳлилга тортилган ҳикояларида, асосан, психологик ва характерлараро конфликтларга рўбарў келган бўлсақ-да, ёзувчининг бошқа ҳикояларида, хусусан, “Қобил сахроси” ҳикоялар тўпламида қаҳрамонлар ва ўша давр ўртасида кечадиган курашлардан иборат ижтимоий конфликтларга ҳам дуч келамиз.

Биз бугун таҳлилга тортиган ушбу ҳикояларда Спужмай Зарёб ғарб адабиётидан андоза олган ҳолда қаҳрамонларнинг ҳиссий-емоционал кечинмаларига, уларни янада теранроқ очиб бериш мақсадида туш, хаёл ва хотира унсурларини киритишга аҳамият қаратиб, афғон адабиётига янги йўналишдаги ҳикоя намуналарини олиб кирган. Ҳикоялардаги портретлар ҳам қаҳрамонлар характерини, афғон оилалари ҳаёт тарзини, жамият муаммоларини акс эттирища эътиборли рол ўйнаган.

Умуман, таҳлил қилинган ҳикоялар Спужмай Зарёбнинг ўзига хос, серқирра ёзувчилик маҳоратини яққол кўрсатиб бериш билан бирга ўқувчини инсонпарварликка, ватанпарварликка, ўзаро меҳр-муҳаббатли бўлишга ундейди.

